

**ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ҲУСН ҚЎШАЁТГАНЛАР** 2-бет

**«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ** 3-4-5-бетлар

**САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН** 7-бет

**ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ** 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 155 (9.958) / 2003 ЙИЛ 8 АВГУСТ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❑ **БУГУН** «Туркистон» саройида Қурувчилар кунига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

❑ **ЎТГАН** куни «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Акмал Икромов тумани бўлимлари туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Бешқайрағоч» маҳалласида «Аёл ва экология» мақсадли дастури доирасида тадбир ўтказди. Тадбир сўнггида маҳалладаги кам таъминланган оилаларга ўрин-кўрпа анжомларидан иборат 70 минг сўмлик хайрия ёрдами топширилди.

❑ **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида «Комил инсон тарбиясида маҳалланинг ўрни» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда тумандаги маҳаллаларнинг педагог тарбиячилари иштирок этди.

❑ **БУГУН** Чилонзор туманидаги 118-мактабда «Қатортол», «Чўпон-ота», «Навбаҳор», «Кўтарма» маҳаллалари аҳолиси иштирокида йиғилиш ўтказилиб, унда туман ИИБ, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими вакиллари қатнашди.

❑ **КЕЧА** Тошкент халқаро аэропортига «Америкеерз» Халқаро ташкилоти томонидан навбатдаги инсонпарварлик ёрдами ортилган самолёт учиб келди.

❑ **«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклубида пойтахтимиз маҳаллалари ёшлари ўртасида ўтган шахмат-шашка мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичида Собир Раҳимов ва Мирзо Улуғбек туман маҳаллаларидан ташриф буюрган ёшлар ғолибликни қўлга киритишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

O'ZBEKISTON 12

## • МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

**Бугунги кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни Мустақиллик, озодлик, ҳуррият тарихи деб эъзоз ва ҳурмат билан эслашлари муқаррар.**

**Ислом КАРИМОВ**



# 1. ЙЎЛЛАР

***Тарих — кўзгу. Бу шундай тиниқ ва ҳаққўй кўзгуки, ўтмишнинги кўз ўнгингда аниқ ва равшан жонлантириб беради. Хусусан, 1991 йилнинг 1 сентябри ҳам унинг зарварақларидан муҳим сана сифатида мустаҳкам ўрин олди. Ана шу куни адолат қуёши бошимиз узра баралла чарақлади. Залворли қадамлар билан одимлаётган Ўзбекистонимизнинг бугунини асло кечагиси билан таққослаб бўлмайди. Ҳар куни бир ўзгариш, яшариш.***

***Тўйга тўёна билан бориш қон-қонимизга сингиб кетган. Истиқлол йилларида бу аньана янгича кўриниш, янгича мазмун кашф этди. Ҳар йили Ватанимиз Мустақиллигининг навбатдаги санаси янги иншоотлар, корхоналар, хиёбонлар, ўқув юртлари ва маданият саройларини фойдаланишга топшириш аньанаси байрам тантаналарининг узвий қисмига айланиб қолган.***

***Бу йил ҳам истиқлол байрами арафасида мамлакатимизда кўплаб ана шундай иншоотлар қад ростлади. Уларнинг ҳар бири бир тарих, бир катта мавзу. Биз шуни инобатга олиб, бугундан бошлаб газетамизда «Мустақиллик мевалари» деган янги рукн очишни лозим топдик. Бу рукн остида бериладиган материаллар алоҳида бир мавзуга бағишланади.***

***Бу йил Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги нишонланади. 12 рақами эса азалдан бизда хосиятли ва омадли ҳисобланади. Шунинг учун янги рукн остида бериладиган лавҳаларимизни ҳам 12 туркумга бўлиб ёритишни ихтиёр этдик. Уларнинг дастлабкиси Мустақиллик йилларида шаҳримизда бунёд этилган йўллар ҳақидадир.***

Бу хусусдаги сўзимизни Буюк Ипак йўлидан бошласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу йўлни тиклашга бўлган қизиқиш ва эътибор айниқса Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейин орта бошлади. Давлатимиз бу қўҳна йўлни тиклаш борасидаги халқаро тадбирларнинг бош ташаббускори бўлди. Буюк Ипак йўли дастурининг асосини ташкил этувчи Тошкент — Андижон — Ўш — Қашқар автомобиль йўли эса Европани мамлакатимиз ҳудуди орқали Хитой Халқ Республикаси, ундан кейин эса Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайди. Бу йўлнинг ишга туширилиши минтақадаги барча давлатлар иқтисодининг юксалишига ва халқ турмуши фаровонлашувига имкон яратади. Мазкур йўналишдаги йўлнинг катта қисми — хусусан 398 километри ҳамда Қамчиқ ва Резак довонларида йўл ости қурилишини бажариш ўзбекистонлик йўлсозлар томонидан амалга оширилди. Бу йўлнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у бизга Осиё ва Европа ўртасида дўстлик кўприги бўлиб хизмат қилади.



Зеро, гап йўллар ҳақида борар экан, яна бир муҳим йўл қурилишини айтиб ўтмай иложимиз йўқ. Бу кичик Ҳалқа йўли қурилишидир. Шаҳримизнинг 9 туманини қамраб олган, узунлиги 32 километрни ташкил этувчи бу йўл қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Айниқса ушбу йўлни бирлаштирувчи 3 та автомобиль ҳамда 2 та темир йўл кўприкларини тез ва соз бунёд этиш ишларида йўлсозлар билан биргаликда кўприксозлар ҳам ғайрат кўрсатишди. Ана шундай автомобиль кўприкларидан бири пойтахтимизнинг Ипак йўли кўчасида қад ростлади.

Келинг, энди пойтахтимиз кўчаларига бир назар ташлайлик. Шаҳримизда 12 йил ичида қурилган ва қайта тикланган йўллар озмунчами? Уларни бирма-бир санаб ўтишнинг иложи йўқ, албатта. Хусусан, шу ўринда Амир Темур кўчаси, Фарғона йўли, Буюк Ипак йўли, Навоий кўчалари ҳақида сўз юритишнинг ўзи кифоя деб ўйлаймиз. Бугун бу йўллар пойтахтимиз чиройига чирой қўшиб турибди. Биргина Навоий кўчасини олайлик. У тубдан ўз қиёфасини ўзгартирди. Кўчанинг 1,8 километр узунликдаги қисми тўла таъмирланиб ишга туширилди. Унинг эни 25 метрдан 33 метргача кенгайтирилди. Шунингдек, келгусида ушбу йўлнинг Фурқат кўчасидан «Чорсу» меҳмонхонасигача, Усмон Юсупов кўчасидан Амир Темур кўчасигача бўлган оралиғини ҳам замонавий таъмирлаш кўзда тутилган.

Ҳаёти давомида бир туп дарахт ўтқазган одам бутун гуноҳларидан фориғ бўларкан. Агар бу гапни йўлсозларга таққосласак, улар савобнинг тагида қолишларига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки йўлсозлар умр бўйи йўл қуради, йўл тузади.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: шаҳримизнинг марказий кўчаларидан лавҳалар акс эттирилган.**

# «Менинг маҳаллам»

Бугунги кунда мамлакатимизда «Обод маҳалла» йили дастури бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, спорт-соғломлаштириш, маънавий-маърифий ва бошқа тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан эндиликда шу муносабат билан кўплаб кўргазмалар, кўрик-танловлар, учрашувлар уюштирилаётир.

Академиянинг бадиий кўргазмалар дирекцияси профессионал рассомлар ўртасида «Менинг маҳаллам» мавзуида республика танловини эълон қилди. Бундан кўзланган мақсад - маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида роли ва аҳамиятини ошириш, унинг миллий қадриятлар ҳамда аньаналарни мустаҳкамлаш, аҳолига моддий ва маънавий кўмак бериш борасидаги таъсирини янада кучайтиришдан иборат.

Мўйқалам усталари ишларининг мазмуни ҳозирги замон ва қадимий халқ аньаналари, урф-одатларининг ўзаро боғлиқлигини, замонавий маҳалла ҳаётини акс эттирувчи мавзувий жанр композицияси (расм), «Биз бир маҳалладанмиз» мавзуида замондош портрети, шунингдек, замонавий маҳалла кўринишини тасвирловчи манзара композицияси каби йўналишларга мос келиши керак.

Биринчи, иккинчи ва учинчи мукофотдан ташқари «Энг яхши ишланган ёшлар мавзуи», «Ўзига хос мавзу ва образни очиб бериш» номинациялари бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар топширилади.

Танлов якуни бўйича кўргазма ташкил этилиб, у мустақиллик байрами арафасида очилади.

**(ЎзА).**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлисида Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил 18 июль куни Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.**

**• Экосан халқаро жамғармасида Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Республика Банклар уюшмасининг банклараро молиявий хизматлар марказида «Республикада қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш муаммолари ва бу борада тижорат банкларининг роли» мавзуида анжуман ўтказилди.**

**• Тошкентда табиий ресурслардан тижорат ва ишлаб чиқариш мақсадларида оқилона фойдаланишга бағишланган семинар тренинг уюштирилди.**

**• Нукус шаҳрида халқ истеъмол моллари минтақавий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу куннинг ўзида қатор корхоналар саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича шартномалар тузишди.**

**• Тошкент вилоятининг Тошкент туманида «Орзу» маҳалла гузари ва савдо маркази иш бошлади.**

**• Самарқандда АҚШ, Россия, Украина, Австрия, Греция, Италия каби 20 га яқин давлатдан келган спортчилар иштирокида «Челленжер» халқаро теннис мусобақаси бошланди.**

### Жаҳонда

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашувдан сўнг Москвага қайтиб келган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Бош вазир Борис Алёшин билан Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган асосий йўналишлар бўйича фикр алмашди.**

**• Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Туркиядан АҚШнинг Огайо штатига келди. У энди Кливленддаги госпиталда даволанади.**

**• Кеча эрталаб Иорданиянинг Бағдоддаги элчихонаси яқинида рўй берган портлаш натижасида камида 8 нафар киши ҳаётдан кўз юмган.**

**• Индонезия полицияси 5 август куни «Marriot» меҳмонхонасида террорчилик ҳаракатини амалга оширган жиноятчининг фотороботини тайёрлади.**

**• 2002 йил натижаларига кўра Ўзбекистон жаҳоннинг энг яхши 25 та фонд бозорлари рўйхатида Россия, Украина, Қозоғистон ва Литва каби мамлакатларни ортда қолдирган ҳолда 7-ўринни эгаллади.**

**• 15 сентябрь куни машҳур қўшиқчи Мадоннанинг болаларга мўлжалланган «Англия атиргуллари» деб номланган китоби нашрдан чиқади. Бир вақтнинг ўзида 30 тилда чоп этилган китоб дунёнинг 100 та давлатига тарқатилади.**

## Қурувчилар куни олдидан

**10 августда мамлакатимизда Қурувчилар куни кенг нишонланади. Шу муносабат билан бугун «Туркистон» саройида энг олижаноб касб вакилларини қутлаш маросими бўлиб ўтади. Ушбу сана олдидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шавкат ҚОСИМОВ билан бўлган суҳбатимиз шаҳар қурилиш мажмуасининг шу кунлардаги ишлари, баъзи муаммолари хусусида бўлди.**

# Бунёдкорлик — ривожланиш демакдир

***— Шавкат Маннопович, шу кунларда республикамиз бўйлаб Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудлари кўрилаётгани яхши маълум. Қурувчилар кунининг айнан шу қутлуғ сана арафасида нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор, шундай эмасми?***

— Шубҳасиз. Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган Истиқлол байрами олдидан бажарилган ишларни сарҳисоб қиламиз, эришилган ютуқларни тилга оламиз. Бу борада биринчи галда кўз ўнгимизда барпо этилган бино ва иншоотлар гавдаланади. Демак, беихтиёр эътиборимиз ўз-ўзидан қурувчиларимизга қаратилади. Айнан заҳматкаш қурувчиларимизнинг беминнат хизмати туфайли азим Тошкентимиз кўпчиликни ҳайратга соладиган даражада гўзал маконга айланиб бораётганини инкор қилиб бўлмайди, албатта.

Пойтахт қурувчилари Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини қўшалоқ байрам сифатида муносиб туҳфалар билан кутиб олишга ҳозирланган.

Фойдаланишга топшириладиган асосий байрам объектлари қаторидаги Шайхонтоҳур ва Акмал Икромов туманларини қисман қамраб олган Уйғур —Улуғбек кўчалари туташган манзилда барпо этилган янги автомобиль йўли алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳозирда бу ерда эстакада — икки қаватли ер ости ва ер усти автомобиль йўллари қурилиши натижасида тиғиз транспорт ҳаракати ечими ҳал этилиб, Чилонзор, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманлари миқёсида автотранспорт ҳаракатини бир неча баравар қисқартиришга эришилади.

Бундан ташқари, «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш», «Тошшаҳарйўловчитранс»,«Тошкент темир йўллари» ташкилотлари тузилмалари иштирокида Уйғур — қисман Хўжаев кўчалари оралиғидаги узунлиги 2,7 километрдан иборат автомобиль йўли қайта таъмирланиши якунланмоқда. Ушбу жараёнда 8-йўналишдаги трамвай йўллари қайта ётқизилиб, «Кўкча» бозорининг шу тумандаги Оқтепа мавзеси яқинига кўчирилиши амалга оширилади.

Кичик ҳалқа йўлининг учинчи босқичида ҳам ишлар жадал давом этмоқда. Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб «Ўзавтойўл» концерни томонидан «Автомагистраль», «Тошйўлқурилиш» ташкилотлари билан биргаликда Усмон Носир кўчаси — Жанубий вокзал кесимида 8 километрдан иборат масофада катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Фарҳод — Саломатин — Собир Юсупов, Фарход — Лутфий, Лутфий — Зиё Саид кўчалари оралиғида йўлларни кенгайтириш ишлари қисқа вақт ичида бажарилди. Шунингдек ушбу объектда «Ўзбекэнерго» компанияси, «Тошшаҳарнур», «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» трестлари, трамвай-троллейбус бошқармаси томонидан юқори қувватли электр тармоқларини кўчириш ва қайта қуриш бўйича ўта мукаммал ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Юқорида айтиб ўтилган учта объектдаги барча қурилиш ишларини тўлиқ ҳажмда тугаллаш охирлаб қолди.

Шу билан бирга Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмасига асосан «Паркентсувқурилиш» тресті томонидан Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида Планетарий қурилиши якунига етди. Янги бинога Япониянинг «Чори» компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда махсус электрон ускуна ўрнатилишига эришилди. Янги ўқув йилига ишга туширилиши режалаштирилган ушбу объект аниқ фанларни тарғиб қилиш билан боғлиқ ўзига хос маърифат масканига айланишига шубҳа йўқ.

Байрам муносабати билан шунингдек бешта янги йўналишдаги ўрта махсус ўқув юртларида қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари якунланади. Жумладан, ҳозирда Собир Раҳимов туманидаги Мойқўрғон мавзесида 1200 ўқувчига мўлжалланган банк коллежининг янги биноси деярли қуриб битказилиб, ободонлаштириш ҳамда жиҳозлаш бўйича ишлар ҳам тугалланиш арафасида. Чунончи Юнусобод туманида машинасозлик, Чилонзор туманида ижтимоий таъминот ҳамда полиграфия, Шайҳонтоҳур туманида тиббиёт коллежлари қайта таъмирланиб янги кўринишга эга бўлмоқда. Халқ таълими йўналиши бўйича Чилонзордаги 168-мактабнинг янги ўқув биноси қурилиб фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир туманда бир қатор янги савдо, маиший, умумий овқатланиш нуқталари, спорт иншоотлари, маҳалла гузарлари ҳам байрам кунлари бирин-кетин ишга туширилади.

**— Байрамда фақат яхши нарсалар ҳақида гапирилади. Шундай бўлса ҳам, ижобий натижалардан ташқари қурилиш соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмаслиги маълум. Бу ҳақда ҳам қисқача фикр билдирсангиз.**

— Сир эмас, Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида капитал қурилишдаги аҳвол таҳлил қилиниб, қаттиқ танқид остига олинди. Ҳақиқатан, бу соҳа бошқарувини такомиллаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилишидан қатъий назар, ҳануз ишга эскича ёндошув давом этмоқда. Хусусан, корхоналарни хусусийлаштириш кўр-кўрона олиб борилган, хусусий тармоқ эса шу кунга қадар пудрат ишлари бозорида ўз ўрнига эга бўлолмади. Зарар кўриб ишлаётган ва рентабеллиги паст корхоналарни тугатиш ишлари, буюртмаларни тендер—танлов асосида тақсимлаш жараёни қониқарсиз кетмоқда. Буларнинг барини масалага жиддий ёндошган ҳолда тезлик билан ҳал этиш даркор. Ҳозирда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига асосан шаҳар бўйича белгиланган 215 корхона ва ташкилотлар мол-мулки ва қимматли қоғозларини тақсимлаш бўйича амалий ишларга киришилди. Шулардан давлат улуши бўлган 60 та корхона акцияларининг биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотилишини ташкил қилиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кўпчилик қурилиш ташкилотларининг молиявий—хўжалик фаолиятида ижобий томонга кескин бурилиш юзага келиши шубхасиз. Хуллас, айни пайтда барча ҳаракатларимиз ташкилий ва амалий масалалар ечимига қаратилган.

**— Шунга қарамасдан ривожланиш жараёнида бу соҳа устувор бўлиб қолаверади. Демоқчиманки, қурувчиларимиздан айниқса эртанги кун вазифалари белгиланишида умидимиз катта. Шаҳар қурилиш мажмуасининг бу борадаги режалари нимадан иборат?**

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги шу кунларда ҳукумат қарори асосида инвестиция дастурини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи ташкилотлар билан бирга уч йилга мўлжалланган қурилиш манзилли дастури юзасидан тайёргарлик олиб бормоқда.

Жумладан, келгуси йилда тугатилиши режалаштирилаётган йирик объектлардан бирига Мустақиллик майдонидаги Сенат биноси киради. Истиқбол дастурга мувофиқ Амир Темур — Шароф Рашидов — Асомов кўчалари оралиғида Кичик ҳалқа йўли қурилиши бўйича ишлар давом этади. Ижтимоий соҳага ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, инвесторлар ва кредит ресурслари ҳисобига Чимён — Чорвоқ соғломлаштириш зонасида қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилади. Шунингдек лицей ва коллежлар моддий-техник негизини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида ўқув юртлари бўйича асосан қайта таъмирлаш ишлари режалаштирилмоқда. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент метросининг Юнусобод йўналишида қурилиш ишларини тугатиш юзасидан тегишли манзилларга таклиф жўнатилди ва ишончимиз комил, таклиф ижобий ҳал этилади.

Бундан ташқари, шаҳримиз марказидаги Сайилгоҳ ва Матбуотчилар кўчаларида инвесторлар ҳисобига бунёд этилаётган савдо мажмуасининг қурилиши ҳам якунланиши мўлжалланмоқда. Келгуси йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган Картина галереяси Марказий Осиёда ягона бўлиб қолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шаҳардаги барча қурилиш объектларида ишлаб чиқариш корхоналари фаол қатнашиб келмоқда. Бугунги кунда қурилишда ишлатиладиган материалларнинг асосий қисми ўзимизда жорий этилган замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётгани қувонарли, албатта.

Кўриб турганингиздек, режаларнинг ҳам, қилинадиган ишларнинг ҳам кўлами кенг. Уларнинг амалга оширилиши биринчи галда қурувчиларимизга боғлиқ экан, фурсатдан фойдаланиб, уларни касб байрамлари билан табриклаб, ишларига муваффақият, барака тилаб қоламан.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА суҳбатлашди**



## Сўз — бунёдкорларга

### МЕҲНАТИМДАН МАМНУНМАН

**• Ҳамит ҚАЮМОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи:**

— Бунёдкорлик ота-боболаримиз эъзозлаган, шарафли ва заҳматли касб. Унинг заҳматларига чидаб, маҳорат билан меҳнат қилган киши албатта эъзоз топади, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади. Буни мамлакатимизда аждодларимиз қалб кўри, билак кучи билан бунёд этилиб, авлодлардан-авлодларга ўтиб ҳам қадр-қимматини йўқотмай эъзозланиб келаётган тарихий обидаларимиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Мен меҳнат қилаётган «159-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 53-қурилиш бошқармаси қурувчилари ҳам пойтахтимизда кўплаб қурилишларда фаол иштирок этмоқда. Ҳозирда шаҳримизга кўрк бўлаётган салобатли иншоотлар, лицей ва коллежлар, турар жой биноларини тиклашда муносиб ҳиссамиз бор. Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизни яшнатиш, ёшартириш, пойтахтимизни жаҳон андозаси даражасидаги шаҳарга айлантириш борасида бунёдкор ҳамкасбларимнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлайман. Мен раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари жамоамиз аҳли билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб Қурувчилар куни ва Энг улуғ, Энг азиз байрам тантаналарини ёруғ юз билан кутиб олишмоқда.

Келгусида ҳам бутун ғайрат-шижоатимизни мустақил элимиз бахт-саодати, фаровонлиги йўлида сарфлаб, умрбоқий иншоотлар қуришни ният қиламиз. Касб байрамларини кўтаринки руҳда нишонлаётган барча бунёдкорларга омад ва шижоат ёр бўлсин.

### КАСБИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ

**• Абдувоҳид ДАДАМУҲАМЕДОВ,**
**«12-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-кўчма механизациялашган колонна бош муҳандиси:**

— Касб байрамимиз арафасида ҳам жамоамиз бунёдкорлари ўзгача куч-ғайрат билан меҳнат қилаётганлигини алоҳида таъкидлашим лозим. Негаки байрамни ёруғ юз билан кутиб олиш уларнинг эзгу ниятларидан саналади.

Пойтахтимизда кейинги йилларда олиб борилган кенг кўламдаги бунёдкорлик юмушларида, айниқса Мустақиллик иншоотларини қуришдек шарафли ишларда трестимиз, шу жумладан кўчма механизациялашган колоннамиз ишчи-хизматчиларининг салмоқли улушлари бор. Жамоамизнинг 200 нафардан зиёд қурувчилари бош пудратчи сифатида қурилиш-тиклаш ишларини адо этади. Янги ҳайвонот боғи, Ўзбекистон миллий академик драма театри, лицей ва коллежлар, Чимён тоғ бағридаги «Чорвоқ» оромгоҳи — бу бунёд этган бино ва иншоотларимиз эл-юрт фаровонлиги, халқимиз маънавиятини юксалтириш, яхши дам олишларини ташкил этиш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, фарзандларимизнинг билим олишлари, ҳунар эгаллашлари йўлида хизмат қилаётгани бугунги кунда бизни фахрлантириб янги-янги қурилишларда самарали меҳнат қилишга ундайди.

Шуни фахр билан айта оламанки, жамоамиз аҳли 12 йилдирки, Энг улуғ ва Энг азиз шодиёнамиз — Мустақиллик тантаналари бўлиб ўтадиган майдондаги саҳна мажмуасида бунёдкорлик ишларини сидқидилдан бажаришади. Бундай ишонч бизга катта масъулият юклашини дилдан ҳис этамиз, қалбимизда Истиқлол қувончлари барқ уради ўша дамда. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизга энг яхши эзгу ниятларни тилайман.

## ДУШАНБА, 11

### «Ўзбекистон» телеканали

**Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 11 август куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.**

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
16.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
16.25 ТВ-клип.
16.35 «Камила». Телесериал.
17.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф»-»Андижон».
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар спорти одимлари. «Озод юртнинг умид ниҳоллари». («Ўзбектелефильм»)
18.40 ТВ-клип.
18.50 «Умр мазмуни».
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». 1-қисм.
21.50 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.10 «Ватан мадҳи».
22.15 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.45 «Тарих кўзгуси».
23.05 «Япония турмуш тарзи». Ҳужжатли телесериал премьераси.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Ёқимли иштаҳа.
18.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним» туркумидан: Андижон вилояти.
18.35 Йигит омон бўлса.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ – анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Гвадалупе». Телесериал.
21.20 Сув – ҳаёт манбаи.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 -.23.40 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Қайсар ва довюраклар».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.30, 20.00, 21.30, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.15 «TTVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм.
21.10 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
21.50 TTVда сериал. «Эдемга қайтиш».
22.30 «Avto-news».
23.10 «Кинонигоҳ. «Ижарага олинган бола».
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Вести».
16.20 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 «Агент Штирлиц». Ҳужжатли фильм.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Чўқинтирган ота». Сериал.
21.35 «Бизнес ревю».
21.40 «Спорт масканларида».
21.55 «Нигоҳ».
22.15 Кинематограф. «Муҳаббат рақси». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

**До 16.55 профилактические работы**

16.55 Открытие программы
17.00 «Познавательная программа»
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Киновечер на «30-м»: «Дрянь», детектив
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «След оборотня», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05 «Клип-совга», телетабрикнома
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «Большое ограбление», остросюжетный фильм
23.15 Спорт на «30-м» Профессиональный бокс
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05 Фильм «Золотая лихорадка»
9.50 «Путешествия натуралиста»
10.20 «Ералаш»
10.40 Следствие ведет Колобков
11.15 Комедия «Две стрелы»
13.10 Э.Радзинский. «Золотой век авантюристов». Фильм 1-й
14.15 Фильм «Поездка в Индию»
17.30 Премьера. «Агент Штирлиц». Док.фильм
18.00 Жди меня
19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
20.00 Время
20.30 Сериал «Крестный отец»
21.35 Сериал «Шпионка»
22.30 Ночное «Время»
23.00 «Потерянные субмарины. Катастрофы на морях». Док.фильм
23.40 «Формула власти». Король Норвегии
00.10 Сериал «Тысячелетие»

### Россия

2.00 «Доброе утро, Россия !».
5.45 Фильм «Частный детектив».
7.45, 10.50, 13.30, 21.20, 1.45 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.50 «Короткое замыкание».
9.50 «Экспедиция с Иваном Затевахиным».
11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
11.30 «Что хочет женщина».
12.30 Сериал «Семейные тайны».
14.10 Сериал «Гражданин начальник».
15.00 Сериал «Линия защиты».
16.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
17.55 Сериал «Каменская. Убийца поневоле».
19.00 Детектив «Марш Турецкого-2».
20.00 «ВЕСТИ+».
20.20 Премьера. «Мифы без грифа».
21.20 Фильм «Заговор Дарвина».
22.35 «Футбол России».
23.05 Фильм «Барселона».
0.40 «Дорожный патруль».
0.55 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал «Ураганчики».
8.30 Фильм «Двойник».
10.00 Фильм «Кинг-Конг».
12.30 Фильм «Дьявольски ваш».
14.30, 19.00 «Неопознанные живые объекты».
15.00 Фильм «Луна пустыни».
17.00 Фильм «Нюрнберг». 1-я серия.
19.30, 2.30 «Анатомия катастроф».
20.00 Фильм «Место встречи изменить нельзя». 1-я серия.
21.30 Фильм «Стальные когти».
23.45 Мультсериал «Рекс».
24.00, 3.00 Телесериал «Истории о привидениях».
00.30 Фильм «Просто, как любовь».

### НТВ

5.00 Утро на НТВ
8.05, 12.35 Боевик «Агент национальной безопасности-2»
9.00 «Сегодня утром»
9.20 Комедия «Вредитель»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.35 Ток-шоу «Страна советов»
13.40 Криминал
14.35 «Принцип домино»
16.30 Сериал «Скорая помощь-3»
17.25 «Внимание. розыск!».
18.35, 22.45 Сериал «Улицы разбитых фонарей»
19.50 Сериал «Крот»
21.30 Сериал «Клан Сопрано»
24.00 «Страна и мир».
00.30 «Россия в глобальном мире. Плата за вход».

### ТНТ

5.00, 8.00 «Завтрак с Дискавери».
5.50 «Чудеса кино».
6.20 Мультимир: «Волшебный школьный автобус».
6.45, 11.30 Мультимир: «Черепашки-ниндзя».
7.30, 12.30 Тв-клуб.
9.15 «Жандарм из Сан-Тропе». Комедия.
12.15 «Наши песни».
13.00 «Новая жертва». Детективная мелодрама.
14.00 «Наша секретная жизнь». Молодежный сериал.
15.00, 20.00 Борьба за «Дом».
16.00, 19.00, 23.45 «Окна».
17.00 «Бремя денег».
18.00 Служба Личных Новостей.
18.30 Москва: инструкция по применению.
21.00 ТНТ-комедия «Жандарм в Нью-Йорке».
23.15 Москва: инструкция по применению.
0.45 «Империя страсти».
1.30 «Земля: послений конфликтТ-2». Фантастический сериал.
2.20 «О, Счастливчик!» Игра.

### РЕН-ТВ

7.30 «24». Информационная программа on-line.
8.00,13.25 «Безумный мир».
8.30, 17.50 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры» Телесериал.
8.55, 17.25 «Гаджет и Гаджетины». Мультсериал.
9.20, 17.00 «Кибер 9». Мультсериал.
9.45 «Обж, или обжаловыанию не подлежит» Телесериал.
10.15 «Баффи». Сериал.
11.15 «Кино»: «Открытки с края пропасти»
14.00 «Вино любви». Теленовелла.
14.55 «Народ против». Телеигра.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.50, 21.20 «Кобра-2». Телесериал.
18.15 «Кино»: «Шерлок Холмс и доктор Ватсон». 1-я серия.
20.55 «Гриффины». Мультсерия.
23.05 «Кино»: «Муха 2».
1.50 «Сага о форсайтах». Телесериал.

### ТВЦ

19.00, События.
19.15 Мода non-stop.
19.50 «Горячие точки». Украина. Часть 1-я.
20.55 «34-й скорый». Фильм.
22.35 «Корни хлеба». Спецрепортаж.
23.45 Особая папка.
24.20 Времечко.
24.50 Петровка, 38.
1.30 Очевидное - невероятное.
2.00 Джаз в саду «Эрмитаж».

## СЕШАНБА, 12

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.25 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.45 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25 , 15.00 ТВ-анонс.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
12.30 1. «Болалар ва катталар».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.30 «Халқнинг кўнгли». Ижодкор ва томошабинлар учрашуви.
14.10 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал.
15.05 «Муносабат».
15.35 Эстрада тароналари.
15.55 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм.
16.05 «Тарих кўзгуси».
16.25 «Камила». Телесериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.40 «Мувозанат».
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». 2-қисм.
21.50 «Ватан мадҳи».
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.25 «Парламент вақти».
22.45 «Ҳофизлар хониш қилганда». Мусиқий дастур.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонгги сериал: «Баланд тоғлар остида». Телевизион бадиий фильм 1-қисм.
9.50 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус. Болалар учун концерт.
10.25 «Мульттомоша».
10.40 Йигит омон бўлса.
10.55 Кинотақдим.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 Белида белбоғи борлар.
12.35 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
12.50 ТВ – анонс ва бир минг ривоят.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Интерфутбол.
15.15 «Австралиянинг ёввойи табиати». Ҳужжатли сериал 5-қисм (якунловчи)
16.05 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.25 «Сирли коинот». Маърифий фильм 5-қисм.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.30 Кўнгли покнинг уйи обод.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Саид Аҳмад». Видеофильм 1-қисм.
18.05 Минг бир маслаҳат.
18.25 ТВ - анонс.
18.30 Автопатруль.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакати» видеофильм. премьераси 2-қисм
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.45 – 23.50 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Қайсар ва довюраклар».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.30, 20.00, 21.30, 23.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Ҳимоя».
19.15 «TTVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
21.10 «Ҳамшаҳарлар».
21.50 «Туризм ҳақида».
22.20 TTV да сериал «Эдемга қайтиш».
23.25 Кинонигоҳ: «Оқ велосипед».
00.35.00.40 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Зарбдор куч».
17.50 «Аждодлар хазинаси». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Чўқинтирган ота». Сериал.
21.35 «Бизнес ревю».
21.40 «Х-Спорт».
22.00 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.10 «Ҳинд оҳанглари».
22.35 «Ахборот».
23.10 Кинематограф. «Ички космос». Бадиий фильм.
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.30 Детский час
10.15 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры», сериал
10.40 «Познавательная передача»
11.10 «Скорая помощь», телесериал
12.00 «Большое ограбление», остросюжетный фильм
13.30 «Она написала убийство», телесериал
14.10 Детский час
15.00 «Телешоу»
16.00 Спорт на «30-м»
16.40 Документальный сериал
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Киновечер на «30-м»: «Месть простофиль», комедия
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «След оборотня», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05 «Клип-совга», телетабрикнома
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «История Диллинджера», остросюжетный фильм
23.15 Титаны реслинга
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
9.00 Сериал «Ребята из нашего города»
9.55 «Агент Штирлиц». Док.фильм
10.35 Дисней-клуб.
11.15 Боевик «Случай в квадрате 36-80»
12.40 «Крылья»
13.10 Э.Радзинский. «Золотой век авантюристов». Фильм 2-й
14.15 Фильм «В любви и на войне»
16.30 Док.детектив. «Троянский конь».
17.20 «Ударная сила»
17.50 Многосерийный фильм «Сокровища мертвых»
20.00 Время
20.30 Сериал «Крестный отец»
21.35 Сериал «Шпионка»
22.30 Ночное «Время»
23.00 «На футболе»
23.30 «Русский экстрим»
24.00 Боевик «Однажды в Китае»

### Россия

2.00 «Доброе утро, Россия !».
5.45, 17.55 Сериал «Каменская».
6.50 Сериал «Возвращение Будулая».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 «Короткое замыкание».
9.50, 19.00 Детектив «Марш Турецкого-2».
10.50, 13.30, 21.15, 1.45 Вести. Дежурная часть.
11.30 «Что хочет женщина».
12.30 Сериал «Семейные тайны».
14.10 Сериал «Гражданин начальник».
15.05 Сериал «Линия защиты».
16.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Вести+».
20.20 «Гонка за супербомбой».
21.35 Фильм «Завтрак чемпионов».
23.45 «Дорожный патруль».
0.00 Сериал «От Земли до Луны».
1.00 Мелодрама «Перекрестки»

### ТВ-3

8.00 «Победоносный голос верующего».
8.30 Фильм «Луна пустыни».
10.30, 20.00 Фильм «Место встречи изменить нельзя».
12.00 Фильм «Стальные когти».
14.15 Мультсериал «Рекс».
14.30, 19.00 «Неопознанные живые объекты».
15.00 Фильм «Взрослые дети».
17.00 Фильм «Нюрнберг».
19.30, 2.30 «Анатомия катастроф».
21.30 Фильм «Прибытие».
24.00, 3.00 Телесериал «Истории о привидениях"
00.30 Фильм «Дьявольски ваш».

### НТВ

5.00 Утро на НТВ
8.05 «Намедни - 92»
9.00 «Сегодня утром»
9.20 Фильм «Фронт без флангов», 1 серия
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.35 Ток-шоу «Страна советов»
12.35, 19.50 Остросюжетный сериал «Крот»
13.45 Криминал
14.35 «Принцип домино»
16.30 Сериал «Скорая помощь-3»
17.30 «Курск». «Уйти, чтобы вернуться»
18.35, 22.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей»
21.30 Сериал «Клан Сопрано»
23.45 «Страна и мир».
00.15 «Гордон»
1.15 Сериал «Воры».

### ТНТ

5.00, 8.00 «Завтрак с Дискавери».
5.50 «Чудеса кино».
6.20 Мультимир: «Волшебный школьный автобус».
6.45, 11.30 Мультимир: «Черепашки-ниндзя».
7.30, 12.30 Тв-клуб.
9.00 «Жандарм в Нью-Йорке». Комедия.
11.15 Мультимир: «За час до свидания».
12.15 «Наши песни».
13.00 «Новая жертва». Детективная мелодрама.
14.00 «Наша секретная жизнь». Молодежный сериал
15.00, 20.00 Борьба за «Дом»
16.00, 19.00, 23.30 «Окна».
17.00 «Запретная зона».
18.00 Служба Личных Новостей.
18.30, 23.00 Москва: инструкция по применению.
21.00 ТНТ-комедия «Жандарм женится».
0.30 «Империя страсти».
1.15 «Земля: последний конфликт-2». Фантастический сериал.
2.05 «О, Счастливчик!» Игра.

### РЕН-ТВ

7.55 «24». Информационная программа on-line.
8.00,13.25 «Безумный мир».
8.30, 17.50 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры» Телесериал.
8.55, 17.25 «Гаджет и Гаджетины». Мультсериал.
9.20, 17.00 «Кибер 9». Мультсериал.
9.45 «Малькольм посередине» Комедийный сериал.
10.15 «Баффи». Сериал.
11.15 «Кино»: «Муха 2».
14.00 «Вино любви». Теленовелла.
14.55 «Народ против». Телеигра.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.50, 21.20 «Кобра-2». Телесериал.
18.20 «Кино»: «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». 2-я серия.
20.55 «Гриффины». Мультсерия.
23.05 «Кино»: «Целуй, кого хочешь».
1.45 «Сага о форсайтах». Телесериал.
2.50 «Кино»: «Зона удара».

### ТВЦ

8.00 Канал «Настроение».
10.00 «Разлученные».Сериал.
10.50 Наш сад.
11.05 Квадратные метры.
11.20 Спорт-экстрим.
11.40 Войди в свой дом.
11.45 Телемагазин.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События.
12.15 Телеканал «Дата».
13.20 Опасная зона.
13.35 Доходное место.
13.40 «Момент истины».
14.40, 0.50 Петровка, 38.
15.15 «Инспектор Деррек». Криминальный телесериал.
16.30 «Дети спасают животных». Телесериал.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Абсолютный самолет.
18.05 Премьера. «Цыганская любовь».Сериал.
19.15 «Всем в розыск». Фильм 2-й.
20.00 «Загадочная женщина». Телесериал.
20.55 «Добровольцы». Фильм.
22.40 «Репортер».
23.45 Отдел «Х».
24.20 Времечко.
1.30 Иосиф Кобзон. Передача 4-я.
2.20 Серебряный диск.
2.35 Поздний ужин.

## ЧОРШАНБА, 13

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Буюк Ипак йўли. Нурота».
9.20 «Шарқ тароналари».
9.45 «Тафсилот».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оқ кема». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Парламент вақти».
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Қувноқлар ва зукколар». Телемусобақа. 1-қисм.
13.30 «Истеъмолчи».
13.50 ТВ-клип.
14.10 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал.
15.00 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
15.20 Кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
15.40 «Ягона оилада».
16.10 «Камила». Телесериал.
16.40 «Буюк аждодларимиз».
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Қизиқарли учрашувлар».
2. «Болаликнинг мовий осмони».
18.10 «КиноТеатр».
18.30 «Ҳунарманд».
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Ажаб саодат эрур».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт уфқлари».
21.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». 3-қисм.
21.50 «Ватан мадҳи».
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.25 ТВ-клип.
22.35 «Эл севган адиб». Шуҳрат.
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ-анонс.
9.20 Тонгги сериал: «Баланд тоғлар остида». Телевизион бадиий фильм 2-қисм.
9.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
10.10 Мультфильм «Ўрмон эртаклари» 1-фильм.
10.25 «Давр» - интервью.
10.40 Минг бир маслаҳат.
11.00 ТВ - адвокат.
11.05 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Сўзана ва чинни буюмлар» («Ўзбектелефильм»)
12.35 Меҳр кўзда. Мактубларга шарҳ.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Бахтли болалик қўшиқлари.
13.50 Ёшлар телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут. 2 Теннис.
14.50 Кўнгли покнинг уйи обод.
15.10 Автопатруль.
15.30 «Қандай ажиб бу дунё». Бадиий фильм.
17.10 ТВ - анонс.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.40 «Кузя учун уй». Мультфильм.
18.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Саид Аҳмад». Видеофильм 2-қисм.
18.15 ТВ - анонс.
18.20 Кафолат.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ – анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Озод юрт фарзандлари». Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

**Давоми 4-5-бетларда.**

Боши 3-бетда.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Қайсар ва довюраклар».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
18.30, 20.00, 21.30, 22.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.15 TTVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 10-қисм.
21.10 «Аёл қалби».
21.50 «Ораста шаҳрим».
22.15 TTVда сериал. «Эдемга қайтиш».
23.20 Кинонигоҳ. «Диско раққоси». 1-қисм.
00.30-00 35 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
17.50 «Аждодлар хазинаси». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Чўқинтирган ота». Сериал.
21.35 «Бизнес ревю».
21.40 «Спорт технологияси».
22.00 Кинематограф. «Интервью». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.30 Детский час
10.15 «Пауэр Рейнжерс, или могучие рейнджеры», сериал
10.40 Спорт на «30-м»
11.10 «Скорая помощь», телесериал
12.00 «История Дилленджера», остросюжетный фильм
13.30 «Она написала убийство», телесериал
14.10 Детский час
15.00 «Телешоу»
16.00 Спорт на «30-м»
16.40 Документальный сериал
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Киновечер на «30-м»: «Поцелуй смерти», боевик
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «След оборотня», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05 «Клип-совга», телетабрикнома
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «Дидье», комедия
23.15 Спортивная передача
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
9.00 Комедийный сериал «Ребята из нашего города»
9.55 «Ударная сила»
10.35 Дисней-клуб.
11.15 Боевик «Шестой»
12.50 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
13.10 Э.Радзинский. «Золотой век авантюристов». Фильм 3-й
14.15 Док.сериал «Дикие штучки»
14.45 Комедия «Откровенный разговор»
16.30 Документальный детектив. «Последний полет «Летучего голландца».
17.20 Смехопанорама
17.50 Многосерийный фильм «Сокровища мертвых». Закл.
20.00 Время
20.30 Сериал «Крестный отец»
21.35 Сериал «Шпионка».
22.30 Ночное «Время»
23.00 «Идолы». Джеки Чан
23.30 «Искусство делать деньги»
24.00 Триллер «Тайна вкладов»

### Россия

2.00 «Доброе утро, Россия !».
5.45, 17.55 Сериал «Каменская».
6.50 Сериал «Возвращение Будулая».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 «Короткое замыкание».
9.50, 19.00 Детектив «Марш Турецкого-2».
10.50, 13.30, 21.15, 1.45 Вести. Дежурная часть.
11.30 «Что хочет женщина».
12.30 Сериал «Семейные тайны».
14.10 Сериал «Гражданин начальник».
15.05 Сериал «Линия защиты».
16.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Вести+».
20.40 Фильм «Я сама».
22.10 «Дорожный патруль».
22.25 «Горячая десятка».
23.20 Сериал «От Земли до Луны».
0.20 Мелодрама «Перекрестки».
1.10 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 «Победоносный голос верующего»
8.00 Мультсериал «Ураганчики».
8.30 Фильм «Взрослые дети».
10.30, 20.00 «Место встречи изменить нельзя».
12.00 Фильм «Прибытие».
14.30, 19.00 «Неопознанные живые объекты».
15.00 Фильм «Банзай».
17.00 Фильм «Просто, как кровь».
19.30, 2.30 «Анатомия катастроф».
21.30 Фильм «Сердце воина».
24.00, 3.00 Телесериал «Истории о привидениях».
00.30 Фильм «Нюрнберг».

### НТВ

5.00 Утро на НТВ
8.05 «Намедни - 93»
9.00 «Сегодня утром»
9.20 Фильм «Фронт без флангов», 2 серия
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.35 Ток-шоу «Страна советов»
12.35, 19.50 Остросюжетный сериал «Крот»
13.45 Криминал
14.35 «Принцип домино»
16.30 Сериал «Скорая помощь-3»
17.25 «Чистосердечное признание"
18.35, 22.45 Сериал «Улицы разбитых фонарей»
21.30 Сериал «Клан Сопрано»
24.00 «Страна и мир».
00.30 Гордон
1.25 Остросюжетный сериал «Воры»

### ТНТ

5.00, 8.00 «Завтрак с Дискавери».
5.50 «Чудеса кино».
6.20 Мультимир: «Волшебный школьный автобус».
6.45, 11.30 Мультимир: «Черепашки-ниндзя».
7.30, 12.30 Тв-клуб.
9.05 «Жандарм женится». Комедия.
11.05 Мультимир: «Дракон».
12.15 «Наши песни».
13.00 «Новая жертва». Детективная мелодрама.
14.00 «Наша секретная жизнь». Молодежный сериал.
15.00, 20.00 Борьба за «Дом».
16.00, 19.00, 23.45 «Окна ».
17.00 «Бремя денег».
18.00 Служба Личных Новостей.
18.30, 23.15 Москва: инструкция по применению.
21.00 ТНТ-комедия «Жандарм на прогулке».
0.45 «Империя страсти».
1.30 «Земля: последний конфликт-2». Фантастический сериал.
2.20 «О, Счастливчик!» Игра.

### РЕН-ТВ

7.30 «24». Информационная программа on-line.
8.00,13.25 «Безумный мир».
8.30, 17.50 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры» Телесериал.
8.55, 17.25 «Гаджет и Гаджетины». Мультсериал.
9.20, 17.00 «Кибер 9». Мультсериал.
9.45 «Малькольм посередине» Комедийный сериал.
10.15 «Баффи». Телесериал.
11.15 «Кино»: «Удержи своего мужчину».
14.00 «Вино любви». Теленовелла.
14.55 «Народ против». Телеигра.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.50, 21.20 «Кобра-2». Сериал.
18.20 «Кино»: «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». 2-я серия.
20.55 «Царь горы». Мультсерия.
23.05 «Кино»: «Пурпурный шторм».
2.05 «Сага о форсайтах». Телесериал.
3.10 «Иллюзион»: «Утренний патруль».

### ТВЦ

7.00 Канал «Настроение».
10.00 «Разлученные». Сериал.
10.50 Московские истории В. Ливанова.
11.20 Спорт-экстрим.
11.40 Новый фасон.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События.
12.15 Телеканал «Дата».
13.15 «Неприрученная Африка». Телесериал.
13.45 «Средиземное море». Телесериал.
14.40, 0.50 Петровка, 38.
15.15 «Инмпектор Деррек». Криминальный телесериал.
16.30 Музыкальный серпантин.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Идущие вперед.
18.05 «Цыганская любовь». Телесериал.
19.15 «Приглашает Борис Ноткин».
20.00 «Загадочная женщина». Телесериал.
20.55 Мелодрама «Большой капкан, или соло для кошки при полной луне».
22.50 МегаЛото.
23.40 Секретные материалы: расследование ТВЦ.
24.20 Времечко.
1.30 Иосиф Кобзон. Передача 5-я.
2.20 Серебряный диск.
2.35 Поздний ужин.

## ПАЙШАНБА, 14

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Қизиқарли учрашувлар».
2. «Болаликнинг мовий осмони».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05. «Акулалар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
10.55 «Ажаб саодат эрур».
11.15 «Инсон ва ҳуқуқ».
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Тараққиёт уфқлари».
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа. 2-қисм.
13.40 «Ўзбекистон Ватаним маним».
14.10 «Эл севган адиб». Шухрат.
14.30 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал.
15.20 «Оламни асранг!»
15.40 ТВ-клип.
15.50 «Камила». Телесериал.
16.20 «Буюк аждодларимиз».
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Куйла, ёшлигим».
18.25 «Соғлом она - соғлом бола».
18.45 «Олтин бешик».
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Ватан мадҳи».
21.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». 4-қисм.
22.15 ТВ-клип.
22.25 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.55 ТВ-клип.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонгги сериал: «Баланд тоғлар остида». Телевизион бадиий фильм 3-қисм.
9.50 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
10.10 Мультфильм «Ўрмон эртаклари» 2-фильм.
10.25 Тафаккур ёлқинлари.
10.40 Кафолат.
11.00 Ёшлар овози.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.50 Сув – ҳаёт манбаи.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Бахтли болалик қўшиқлари.
13.45 Интерфутбол.
15.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан «Бу менинг Ватаним» туркумидан: Самарқанд вилояти.
15.50 «Бу ранг-баранг олам». Бадиий фильм.
16.55 «Фарзандим – жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар. 2-қисм.
17.20 ТВ - анонс.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси, Шоҳсупа.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Саид Аҳмад». Видеофильм 3-қисм.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ -анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Ёшлар овози.
20.20 Мезон.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакати» видеофильм. премьераси 3-қисм
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Қайсар ва довюраклар».
17.45 «Навниҳол».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
18.30, 20.00, 21.40, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва масъулият».
19.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Бухоро».
19.15 «TTVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 11-қисм.
21.10 «Умр йўлдоши».
22.00 TTVда сериал. «Эдемга қайтиш».
23.05 Кинонигоҳ. «Диско раққоси». 2-қисм.
00.15.00.20 Хайрли тун шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Олам бўйлаб».
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
17.50 Питер Фальк «Йўқолган дунё» сериалида.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Чўқинтирган ота». Сериал (Сўнгги қисм)
22.30 «Бизнес ревю».
22.35 «Ишбилармон кишилар».
22.55 «Соккер клуб».
23.15 «Ахборот».
23.50 CFI тақдим этади: «Монте-Карлодаги цирк».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.30 Детский час
10.15 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры», сериал
10.40 Спорт на «30-м»
11.10 «Скорая помощь», телесериал
12.00 «Дидье», комедия
13.30 «Она написала убийство», телесериал
14.10 Детский час
15.00 «Телешоу»
16.00 Спорт на «30-м»
16.40 Документальный сериал
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Киновечер на «30-м»: «Классная женщина», комедия
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «След оборотня», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05- «Клип-совга», телетабрикнома
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «Скорость полёта», триллер
23.15 Спортивная передача
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
9.00 Комедийный сериал «Ребята из нашего города»
9.55 Смехопанорама
10.35 Дисней-клуб.
11.15 Фильм «В мертвой петле»
12.50 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
13.10 Э.Радзинский. «Золотой век авантюристов». Фильм 4-й
14.15 Комедия «Леди Удача»
16.30 Документальный детектив. «Заказ на самоубийство».
17.20 «Сами с усами»
17.50 Фильм «Затерянный мир». 1-я серия
20.00 Время
20.30 Сериал «Крестный отец». Закл.
22.30 Ночное «Время»
23.00 «Сканер»
23.30 «Гении и злодеи». А. Ханжонков
24.00 Боевик «Роллерболл»

### Россия

2.00 «Доброе утро, Россия !».
5.45, 17.55 Сериал «Каменская».
6.50 Сериал «Возвращение Будулая».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 «Короткое замыкание».
9.50, 19.00 Детектив «Марш Турецкого-2».
10.50, 13.30, 21.15, 1.45 Вести. Дежурная часть.
11.30 «Что хочет женщина».
12.30 Сериал «Семейные тайны».
14.10 Сериал «Гражданин начальник».
15.05 Сериал «Линия защиты».
16.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Вести+».
20.40 Детектив «Неопровержимые улики».
22.45 «Дорожный патруль».
23.00 Сериал «От Земли до Луны».
23.55 Мелодрама «Голливудские жены».
0.40 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал «Мумии возвращаются»
8.30 Фильм «Банзай».
10.30, 20.00 «Место встречи изменить нельзя».
12.00 Фильм «Сердце воина».
14.30, 19.00 «Неопознанные живые объекты».
15.00 Фильм «Кольцо дракона». 1-я серия.
17.00 Фильм «Улицы милосердия».
19.30, 2.30 «Анатомия катастроф».
21.30 Фильм «Газонокосильщик».
24.00, 3.00 Телесериал «Истории о привидениях».
00.30 Фильм «Нюрнберг».

### НТВ

5.00 Утро на НТВ
9.25 «Растительная жизнь»
10.00 «Кулинарный поединок»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.35 Ток-шоу «Страна советов»
12.35, 19.50 Остросюжетный сериал «Крот»
13.45 Криминал
14.35 «Принцип домино»
16.30 Сериал «Скорая помощь-3»
17.20 «Очная ставка».
18.35, 22.50 Сериал «Улицы разбитых фонарей"
21.30 Сериал «Клан Сопрано"
00.05 «Страна и мир».
00.35 Гордон
1.30 Остросюжетный сериал «Воры»
2.15 «Кома»

### ТНТ

5.00, 8.00 «Завтрак с Дискавери».
5.50 «Чудеса кино».
6.20 Мультимир: «Волшебный школьный автобус».
6.45, 11.30 Мультимир: «Черепашки-ниндзя».
7.30, 12.30 Тв-клуб.
9.05 «Жандарм на прогулке». Комедия.
11.20 Мультимир: «Добрыня Никитич».
12.15 «Наши песни».
13.00 «Новая жертва». Детективная мелодрама.
14.00 «Наша секретная жизнь». Молодежный сериал.
15.00, 20.00 Борьба за «Дом».
16.00, 19.00, 23.35 «Окна».
17.00 «Запретная зона».
18.00 Служба Личных Новостей.
18.30, 23.05 Москва: инструкция по применению.
21.00 ТНТ-комедия «Жандарм и инопланетяне».
0.35, 2.40 «Империя страсти».
1.15 «Земля: последний конфликт-2». Фантастический сериал.
2.05 «О, Счастливчик!» Игра.

### РЕН-ТВ

7.30 «24». Информационная программа on-line.
8.00,13.30 «Безумный мир».
8.30, 17.50 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры» Телесериал.
8.55, 17.25 «Гаджет и Гаджетины». Мультсериал.
9.20, 17.00 «Кибер 9». Мультсериал.
9.45 «Малькольм посередине» Комедийный сериал.
10.15 «Баффи». Сериал.
11.15 «Кино»: «Янки в Оксфорда».
14.00 «Вино любви». Теленовелла.
14.55 «Народ против». Телеигра.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.50, 21.20 «Кобра-2». Сериал.
18.20 «Кино»: «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон».
20.55 «Царь горы». Мультсерия.
23.05 «Кино»:»Воспитание Аризоны».
1.35 «Сага о форсайтах». Сериал.
2.40 «Кино»: «Наемник: новое задание».

### ТВЦ

7.00 Канал «Настроение».
10.00 «Разлученные». Сериал.
10.50 Московские истории В. Ливанова.
11.20 Спорт-экстрим.
11.40 Телемагазин.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События..
12.15 Телеканал «Дата».
13.05 «Неприрученная Африка». Телесериал.
13.35 Доходное место.
13.40 «Средиземное море». Сериал.
14.40, 0.50 Петровка, 38.
15.15 «Инспектор Деррек». Криминальный телесериал.
16.30 Очевидное - невероятное.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Мультпарад.
18.05 «Цыганская любовь». Телесериал.
19.15 Дом на набережной.
19.55 «Загадочная женщина». Телесериал.
20.55 Боевик. «Кровавый спорт».
22.40 «Репортер».
23.40 «Версты».
24.20 Времечко.
1.30 Иосиф Кобзон. Передача 6-я.
2.20 Серебряный диск.
2.35 Поздний ужин.

## ЖУМА, 15

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10:00 , 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
11.35 «Ҳаёт ва қонун».
11.55, 12.25 ТВ-анонс.
12.05 «Яхшилар ёди».
12.25 Мумтоз наволар.
12.45 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
13.20 Телемулоқот.
14.10 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал.
15.00 «Депутат».
15.20 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
15.50 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
16.50 «Тафсилот».
17.10 «Ҳидоят сари».
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви. «Пахтакор». «Насаф». «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Янгиликлар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига.
«Ўзбектелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». 5-қисм.
22.00 «Ватан мадҳи».
22.05 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.35 «Келин-куёв». Телешоу.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонгги сериал: «Баланд тоғлар остида». Телевизион бадиий фильм 4-қисм.
9.50 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси. Шоҳсупа.
10.30 «Мульттомоша».
10.45 «Давр»-интервью.
11.00 Мезон.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Фарзандим – жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар. 2-қисм.
12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: »Анпанман». Мультсериал.
13.35 Интерфутбол.
15.15 «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.
16.25 Ракурс.
16.45 «Сирли коинот». Маърифий фильм 6-қисм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Болалар учун концерт.
17.50 «Саёҳат». Мультфильм.
18.00 Гиёҳ сирлари.
18.10 ТВ - анонс.
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан «Умр дафтари» туркумидан: «Саид Аҳмад». Видеофильм. 4-қисм.
18.30 Чегарачи.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Аскар мактублари.
20.15 Азизим.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Қайсар ва довюраклар».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
18.30, 20.00, 21.35, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эл хизматида».
19.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Тошкент фавворалари».
19.15 «TTVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 12-қисм.
21.10 «Инсон ва қонун».
21.55 TTVда сериал «Эдемга қайтиш».
23.00 Кинонигоҳ «Аршин мол-олон».
00.30.00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Инсон ва қонун».
17.55 Питер Фальк «Йўқолган дунё» сериалида.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Олтин граммофон».
21.35 «Бизнес-ревю».
21.40 «Дурдаршан».
22.05 «Замон билан ҳамнафас».
22.55 «Хит парад».
23.25 «Стиль».
23.35 «Бешинчи ғилдирак».
23.50 «Ахборот».
00.25 Н. Бабкина ижросидаги концерт дастури.
1.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.30 Детский час
10.15 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры», сериал
10.40 «Познавательная передача»
11.10 «Скорая помощь», телесериал
12.00 «Скорость полёта», триллер
13.30 «Она написала убийство», телесериал
14.10 Детский час
15.00 «Телешоу»
16.00 Спорт на «30-м»
16.40 Документальный сериал
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Звезды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса
18.50 Юмористическая передача
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «След оборотня», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05 «Клип-совга», телетабрикнома
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «Тайсон», триллер
23.15 Спортивная передача
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
9.00 Комедийный сериал «Ребята из нашего города»
9.55 «Сами с усами»
10.40 Детский сериал «Твинисы»
11.15 Фильм «Куколка»
13.40 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
14.15 Док.сериал «Дикие штучки»
14.40 Комедия «Приключения раввина Якова»
16.30 Док.детектив. «Приходите меня убивать».
17.20 «Человек и закон»
17.50 Фильм «Затерянный мир». 2-я серия
18.55 «Поле чудес»
20.00 Время
20.30 Премьера. «Золотой Граммофон»
21.35 Комедия «Полицейская академия: Город в осаде»
23.10 Комедия «Пятнадцатое августа»
00.55 Реальная музыка

### Россия

2.00 «Доброе утро, Россия !».
5.45 Сериал «Каменская».
6.50 Сериал «Возвращение Будулая».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 «В поисках приключений».
9.50 Детектив «Марш Турецкого-2».
10.50, 13.30 Вести. Дежурная часть.
11.30 «Моя семья».
12.30 «Комната смеха».

Давоми 5-бетда

# «02»: ҲОДИСАЛАР

● Ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган, Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида яшовчи Жавлон уйида сигарета тутатиб, дам олиб ўтирарди. Унинг «ҳузур-ҳаловатини» Навоий вилояти, Нурота туманидан ташриф буюрган Юнус исмли дўсти бузди. Икки дўст жуда қуюқ сўрашишди. Чойдан сўнг Юнус иш қидираётганлигини айтди. Жавлон унга бир «ажойиб» иш борлигини, Юнусни қўрқитиб юбормаслик учун иш «хамирдан қил суғургандай» битишини шипшитди. Бундай ишларга ҳали қўлини урмаган Юнус Жавлон кутганидек бошида ҳайиқди, аммо осонлик билан мўмайгина даромад топиш уни бу йўлдан қайтара олмади...

Жавлон билан Юнус Қозоғистон Республикаси фуқаролари— Чимкент вилояти, Абай кўчасида яшовчи З.Азамат ва Н.Азизларни С.Раҳимов туманида машиналаридан тушганларидан фойдаланган ҳолда уриб, қўлларидаги «Нокия» русумли уяли телефони, автоулов ичидан эса 530.000 сўм пулларини, «JVS» русумли автомагнитоласининг колонкаларини ҳамда заҳира ғилдирагини тортиб олиб қочиб кетишди. Қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида жиноятчилар қўлга олинди.

«Нодон билан шавла есанг, оёғингнинг таги пишар», дейди доно халқимиз. Юнус панжара орқасида ўтириб ана шулар ҳақида ўйлаётгандир эҳтимол.

● Ҳаво бир оз салқинлаганидан шодланган Тошкент вилояти, Қибрай туманида яшовчи Н.Даврон эски синфдоши, ҳеч қаерда ишламайдиган Черданцев -2 мавзесида яшовчи К.Ботир билан шаҳарга тушиб бир оз кўнгил ёзиб келишни таклиф қилди. Улар мазза қилиб сайр қилдилар ва кечга яқин уйга кетишга ошиқдилар. Салқин шаббода ққйинида кетиш ниятида озгина пиёда юрдилар. Икковлон ҳам ўз хаёллари билан кетишарди. Бир пайт Н.Давроннинг хаёлини бир хонадоннинг очиқ қолган эшиги бузди ҳамда у дўсти бўлмиш К.Ботирни туртиб қўйди...

Ўша кеча Черданцев-2 мавзесида яшовчи С.Олимнинг хонадонида ўғрилик содир бўлди. Н.Даврон ва К.Ботир у ердан фен ва 68.000 сўм пулни ўмариб кетишди. «Қинғирлик — тириклик гўри, эгрилик — умр шўри» деганларидек, жиноятчилар узоққа бора олмадилар.

● Бугун Дилноза негадир «боғчага дадам олиб борсинлар», деб тихирлик қилди. Онаси уни ўзим олиб борай деса ҳам кўнмади, чунки Ҳафиза опа эрини яқиндагина содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаб қайтганлиги сабабли безовта қилгиси келмади. Дилноза энди йиғламоқдан бери бўлди. Ҳозирда ҳеч қаерда ишламайдиган, юқорида таъкидлаганимиздек судланиб чиққан Р.Комил қизчасини боғчага олиб боришга чоғланди. Ҳафиза опа ноилож уларнинг орқасидан қараб қолди. Ота-бола чақчақлашиб болалар боғчасига етиб келишди. Қизалоқ дадасини хонаси томон судради, шунда Р.Комил мудиранинг эшиги очиқ қолганлигини, у ерда эса ҳеч ким йўқлигини кўрди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деган гап рост экан, ўз фарзандини хонасига қўйган Р.Комил нафс балосига ошно бўлган ҳолатда мудиранинг хонасига кирди. Кираётганда унинг кўзига ўз турмуш ўртоғининг мунгли қиёфаси, нуридийдасининг ўксик қалби кўринмади. Р.Комил хонадан 80000 сўм пул ва фуқаролик паспортини ўғирлаб кетаётганда далилий ашёлар билан қўлга олинди.

● Осуда ўтаётган кун ўз ўрнини тунга бўшатиб берди. Шу куни Раҳмат ака «Ипак йўли Автотранс» корхонасида қоровуллик қиладиган эди. Бошида унинг қоровуллиги тинч ўтаётганди, аммо бу тинчлик тун бўйи давом этмади. Қандайдир шарпа омборхонада тимирскиланаётгандек туюлди. Раҳмат ака аввал шундай туюляпти деб ўйлади, лекин нарсаларнинг шитир-шитир ҳеч тинмади. Шунда у омборхонага кирди. Не кўз билан кўрсинки, девор бузилган, 2 дона «Нексия» ва 4 дона «Дамас» автоуловларининг ғилдираклари йўқ эди. Шундай вақтда қоровул ўзини ҳеч йўқотмасдан милиция ходимларига қўнғироқ қилиши керак. Раҳмат ака ҳам шундай қилди. Атроф бир зумда тумонат одамга тўлиб кетди. «Темирни қизиғида босиш керак» деган нақлга риоя қилган ҳолда тезкор тергов гуруҳи жиноятчини ҳали «совиб» улгурмаган изига тушишга муваффақ бўлишди. Аниқланишича, бу сирли шахс «Оҳанрабо—1» тор кўчасида яшовчи Р.Асад бўлиб чиқди, энг ажабланарлиси эса у ана шу корхонада таъмирловчи бўлиб ишлар экан. Табиийки энди Р.Асад у ерда бошқа ишламайди, балки...

● Бектемир туманида жойлашган маҳаллаларнинг бирида дув-дув гап. Барчанинг оғзида Ҳайдар аканинг янги қураётган уйи. Бундай хабарлар биринчи бўлиб ғараз ниятли кишиларга етиб бориши бежиз эмас, албатта. Ҳеч қаерда ишламайдиган, Т.Расулов кўчасида яшовчи Х.Муҳторга ҳам «янги уй» хабари етиб келди. Уни янги уй эмас, балки у ердаги қурилиш материаллари қизиқтириб қўйганди. Х.Мухтор кечаси, ҳамма ухлаётган вақтда пайт пойлаб, уйга ўғринча кирди ва у ердан жами 1.015000 сўмлик қурилиш материалларини ўмариб кетди. Зийрак уй эгаси ўғрини пайқаб қолди ва тезда керакли жойга хабар қилиб, барча қўшниларни чақирди.

«Меҳнат роҳатга элтар, текин ҳалқумни йиртар» деб бежиз айтишмаган бобокалонларимиз. Х.Мухтор эса далилий ашёлар билан қўлга олинди.

**Феруза УМРЗОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## Ҳамза туман меҳнат бўлими тумандаги қуйидаги корхоналарга ишга таклиф қилади:

**2-автобус саройига:**

«Мерседес-Бенц» ва «ДЭУ-106» автобусларига ҳайдовчилар ва кондукторлар (аёллар). Иш ҳақи — вақтбай, мукофотли.

3500 сўм овқат пули ва кунлик тушум режасини бажаргани учун 70 фоизгача қўшимча ҳақ тўланади.

**Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»**
**Давлат ҳиссадорлик жамиятига:**

Электргазпайвандчилар, газпайвандчилар, электрмонтёр, клепальшик, йиғувчи-чилангарлар. Доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролар ётоқхона билан таъминланадилар.

Иш ҳақи — 50-60 минг сўмни ташкил этиб, ишбай.

**Ўзбекистон Республикаси радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйига:**

Аккумуляторчи, овоз режиссёри, овоз ёзиш оператори, дурадгор, кичик хизматчилар, радиоаппаратларини созловчилар, боғбонлар, чилангар-сантехниклар, электр созловчи, бош электрсозловчи, муҳандис, қоровуллар.

Иш ҳақи — 25-28 минг сўмни ташкил этиб, вақтбай ва чорак мукофотлари мавжуд.

**145-автотранспорт корхонасига:**

B, C, D, E тоифали ҳайдовчилар, чилангар-сантехниклар, инспекторлар талаб этилади.

Иш ҳақи — 35-40 минг сўмни ташкил этади.

**«Подъёмник» заводи» акционерлик жамиятига:**

Муҳандислар, темир ускуналари бўйича уста, машинистлар, электргазпайвандчилар.

Овқат пуллари ажратилади, иш ҳақи — 30-40 минг сўмни ташкил этиб, ишбай.

**«Фарм-Гласс» қўшма корхонасига:**

КИПиА чилангари, шишага ишлов берувчи мутахассислар.

Иш ҳақи — 45 минг сўмни ташкил этиб, ишбай, мукофотли.

**«Ўзиталмебель» корхонасига:**

Чархловчи, механик, энергетиклар, иситиш қозонлари бошлиғи талаб қилинмоқда.

Иш ҳақи — 45-50 минг сўмни ташкил этиб, ишбай, мукофотли.

**«ПЎЛАТҚУРИЛИШ» очиқ ҳиссадорлик жамиятига:**

1. Электрпайвандчи, электргазпайвандчи, 3-5 разрядли монтажчилар.
2. Жамоат ишлари бўйича (бетончи, дурадгор, бўёқчи)

Иш ҳақи 40000-150000 сўмни ташкил этиб, ишбай.

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.**

1. «Иж-2715» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AQ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз.
2. «Москвич-2141» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 23-76, бошланғич нархи 506 000 сўм, техник носоз.
3. «Ссанг-Енг-Корандо» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, техник носоз.
4. «Вольво-760» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 2 400 000 сўм, техник носоз.
5. «Ваз-21063» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Н 77-17 ТН, бошланғич нархи 800 000 сўм, техник носоз.
6. «Опель-Вектра» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз.
7. «Газ-31029» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 558, бошланғич нархи 1 950 000 сўм.
8. «Лексус-GS 300» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 16 000 000 сўм.
9. «ДЭУ-Брайм» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 8 500 000 сўм.
10. «ДЭУ-Леганза» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О 51860 К, бошланғич нархи 4 200 000 сўм.
11. «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз.
12. «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз.
13. «Газ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз.
14. «КАВЗ-664» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АД 209, бошланғич нархи 3200 000 сўм, техник носоз.
15. «Газ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм.
16. «Газ-53» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз.
17. «Газ-5204» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз.
18. «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз.
19. «Маз-5549» юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 82-49 ТШ, бошланғич нархи 310 000 сўм, техник носоз.

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси 2003 йил 11 август куни соат 14.00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Кимошди савдосида сотилмай қолган автомашиналарнинг қайта ким ошди савдоси 2003 йил 16 август куни соат 12-00 да ўтказилади.

Ким ошди савдосида иштирок этиш учун аризалар ким ошди савдоси ўтказиладиган кун соат 12-00 да тўхтатилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.**
**Маълумот учун телефонлар:**
**41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:**

*Бош бошқарма бошлиғи;*
*Бошқарма бошлиғи;*
*Бўлим бошлиғи;*
*Бош мутахассис;*
*Етакчи мутахассис.*

Танловда иштирок этувчилар учун шартлар:
иқтисод, молия ёки ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича олий маълумот;
ишлаб чиқариш ёки бошқарув органлари соҳасида камида уч йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиш;
Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлиши керак.
Танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари:
резюме, паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчаси.
Маълумот учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.

**Телефонлар: 139-20-40, 139-20-45.**

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади. Т: 22-98-05


«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.


Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар қўмиталари жамоалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуд Мўминович Расулова акаси **Маҳамаджон РАСУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Сўранг, жавоб берамиз

***Алимент тўлаши шарт бўлган шахс чет давлатга кетаётганида алимент тўланиш тартиби қандай бўлади?***

***С. Хўжаева,***
***уй бекаси.***

Алимент тўловчи шахс доимий ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганда алимент олувчилар билан алимент тўлаши ҳақида келишув тузиши шарт. Алимент тўлаш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда алимент олувчи алимент суммасини қатъий суммада белгилаши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига мол-мулкни бериш ёки алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли.

* * *

***Никоҳ шартномаси ҳақида тушунча берсангиз.***

***Барно Султонхўжаева,***
***шифокор.***

Оила Кодексининг 29-моддасида никоҳ шартномаси тўғрисида батафсил тушунча берилган. Эр-хотин никоҳда бўлган даврида ёки эр-хотин никоҳдан ажралган даврида уларнинг мулкий ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Никоҳ шартномасини энди ФҲДЁ органларида ҳам расмийлаштириш мумкин. Бундай ҳолда никоҳ шартномаси никоҳни ФҲДЁ органларида қонуний расмийлаштирилган кундан кучга киради. Шартнома мазмунида эр-хотиннинг қонунда белгиланган турмуш давомидаги биргаликдаги умумий мулкига нисбатан эгалик қилиш тартибини ўрнатиш тўғрисидаги ҳуқуқлари кўрсатилади.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам ва келгусида олинажак мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномалари нотариал идораларда расмийлаштирилади.

* * *

***Васий ва ҳомий тайинлаш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.***

***С. Умарова,***
***II-гуруҳ ногирони.***

Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомий тайинлайди.

Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш лозимлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши лозим.

Васий ёки ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс билан васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги муносабатлар, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим.

* * *

***Шифобахш гиёҳлар орасида чакамуғ ўсимлигининг ҳам борлигини эшитиб турамиз. Унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида билмоқчи эдик.***

***Д. Ҳуррамова,***
***уй бекаси.***

Бу ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама жигар, истисқо, сариқ, хинча касалликларини даволашда ишлатилади. Булардан ташқари, дамлама турли яраларга ва темираткига даво бўлиб, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ҳам қўлланади... Шираси ва порошогини зиғир ёғи билан аралаштириб малҳам тайёрланади, ярага, чипқонга, баданга чиқадиган тошмаларга ва бошқа тери касалликларига даво қилинади.

Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан солинади-да, 3-4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Кунига 3-4 маҳал чорак стакандан оз-оздан хўплаб ичилади.

Чакамуғ апрель-май ойларида гуллайди, меваси июнь-июль ойларида етилади.

**Жавоблар Шайхонтоҳур тумани 1-сон давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Донохон ЭШОНОВА ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# Инсонпарварлик ёрдами

Осиё кўзи ожизлар ассоциациясининг Деҳлидаги котибияти мамлакатимиз кўзи ожизларини янги ўқув дастгоҳлар билан таъминлаш мақсадида ёзиш учун пластик мослама ва махсус таёқчалар жами 4,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги инсонпарварлик ёрдамини Ўзбекистонга жўнатди. Мазкур инсонпарварлик юкини Тошкентга келтиришга давлатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўмаклашди.

— Дунёнинг қайси бурчагида яшашидан қатъий назар, ёруғ дунёни кўришдан маҳрум одамларга мурувват кўрсатиш, улар ҳолидан доимо хабар олиб туриш катта олижанобликдир. Қадимдан ҳинд ва ўзбек халқлари бир-бирини яхши билади, улар бизнинг заминимиз халқи учун яқин дўст, маданиятларимиз муштарак, ўзаро борди-келдиларимиз эса тобора кенгайиб бораётир. Шу боис юбораётган камтарин кўмагимиз билан ўзбеклар юртида яшаётган кўзи ожизлар мушкулини бирозгина енгиллата олсак биз ўзимизни бахтиёр ҳисоблар эдик, —деди Осиё кўзи ожизлар ассоциациясининг бош директори Ж.Каул «Жаҳон»АА мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида..

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, икки мамлакат нодавлат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тадбирлари доирасида 2002 йил март ойида Ўзбекистон Кўзи ожизлар уюшмаси раиси О.Аҳмаджонов бошчилигидаги делегация Деҳлига ташриф буюрган эди. Мамлакатимиз вакиллари Кўзи ожизлар умумжаҳон ташкилоти конгресси ишида қатнашиш баробарида Деҳлида қатор муҳим учрашувларни ҳам ўтказишган эди. Жумладан, Кўзи ожизлар умумжаҳон ташкилоти президенти К.Нодстердам ҳамда Кўзи ожизлар уюшмаси президенти Гуляти хоним билан бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятини Кўзи ожизлар умумжаҳон ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзолари сафига киритиш, ногиронларни ўқитиш, уларга тил ўргатиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинган эди.

Жорий йил бошида эса Осиё кўзи ожизлар ассоциацияси бош директори Ж.Каул Ўзбекистонда бўлди. Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истаги мазкур ташрифлардан кўзланган асосий мақсад эди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Деҳли.**

***ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН***

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЙЎЛЧИРОҚ ВА НАЗОРАТЧИ

Одатда эрталаб ҳамманинг вақти тиғиз бўлади. Биров ишга шошади, кимлардир ўзга юмушлар ташвишида елиб-югуради. Шундай кезларда манзилга тезроқ етиб боришни ўйлайсан. Йўлинг равон бўлиб кўчалардаги яшил чироқлар порлаб турса нур устига нур. Аксинча бўлиб борадиган жойингдан кечиксанг дилинг хира тортади.

Эрталаб машинада Полковник Хўжаев кўчасидан бораётиб София кўчаси томон бурилмамиз десак йўлчироқ ишламаётган экан. Икки томон катта йўл бўлгани учун машиналар тирбанд, бири-бирига йўл бермайди. Хайрият, уларни оралаб йўл тўғри йўлга чиқиб олдик.

Чорраҳадан 20 метрлар чамаси наридаги соя-салқинда турган назоратчилар бизга тўхташ ишорасини қилишди.

— Тинчликми?— сўраймиз улардан.

— Қоидани буздингиз. Асосий йўлдан бораётган машиналарни ўтказиб юборишингиз керак эди.

—Ахир икки томондан транспорт тиқин бўлса, бунинг устига йўлчироқ ишламаса, қадам-бақадам силжиб бораётган бўлсак қандай қилиб қарама-қарши томондан келаётган машинага йўл беришимиз мумкин? — деймиз унга эътироз билдириб.

— Билмадим, барибир ўтказиб юборишингиз керак.

Ўжар назоратчи унча-мунча гапга кўнмади. Ўртада тортишув бошланди. Хуллас, бир қарорга келишгунимизга қадар ўн дақиқа вақтни бекор ўтказдик. Шу куни ишга кечикдик.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб ўша йўл бўйлаб келсак Молия институти олдидаги (Шароф Рашидов кўчасига бурилишда) энг катта чорраҳада йўлчироқ ишламаяпти. Бу ерда ҳам машиналар тўпланиб қолган. Бири-биридан тезроқ ўтишга ҳаракат қилишади. Шунақа шошқич пайтда уларнинг тўқнашиб кетишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ҳеч бўлмаса йўлчироқ ишламай қолган шундай кезларда содир бўлиши мумкин бўлган тасодифнинг олдини олиш учун шу яқин атрофга масъул бўлган йўл назоратчилари транспортларни тартибга солиб туришса бўлмасмикан? Бунақа керакли, зарурий пайтда нега улар кўринишмайди?

## ИНСОФНИ УНУТМАЙЛИК

Уйга меҳмон келса бозорга чопасиз. Оила бўлгандан кейин кам-кўст бўлади. Шундай ташвиш яқинда ўзимизнинг бошимиздан ҳам ўтди.

Ишдан уйга хориб-чарчаб қайтсам аёлим:

— Эртага уйга меҳмонлар келадиган бўлиб қолишди. Яқинда телефон қилишди. Уларнинг олдига қўядиган арзирли майда-чуйда, мева-чевалар йўқ. Отаси, бозорга бориб келмасангиз бўлмайди.

Эски Жўва бозори қайдасан, деб тўрва халтани кўтариб йўлга тушдик. Расталар тўла мева-чева. Харидорлар пулига чидаса бўлгани, хоҳлаганини танлаб олаверади. Аслида бозор савдолашиб, талашиб-тортишадиган жойда. Шундай экан, ҳамиша сотувчи айтгани ёки харидор ўйлагани бўлавермайди. Биз ҳам мева-чевалар растаси оралаб бораётиб маҳсулотлар нарх-навосини суриштира бошладик. Айни пишиқчилик даври эмасми, нархлар унчалик баланд ҳам эмас. Ҳарқалай инсоф билан белгиланган.

Керакли маҳсулотларни харид қилиб гўшт растаси томон ўтдик. Чучварабоп гўшт олиш учун сотувчи билан анча талашиб-тортишдик. Ниҳоят бир муқимга келишиб 3 килограмм гўшт харид қилмоқчи бўлдик. Илгичларга чиройли қилиб осиб қўйилган гўшт бўлакларидан бирини танладик.

—Илтимос, мана шу бўлагини қўйиб берсангиз.

— Чучварага юмшоққина мана буниси яхши эмасми? — деди қассоб йигит бошқа бўлакни кўрсатиб.

— Яхшику, лекин суяги кўпроқ эканда.

— Гўшт суяксиз бўлмайди отахон. Бу гўшт эмас, шоколад — емабсиз, оламга келмабсиз.

Қассоб йигит анча гапдон экан. Кулдира-кулдира айтганига кўндирди.

— Қани халтани очинг ота, — у гўштни чаққон ўраб халтага солди, — уйдагилар харидингиздан хурсанд бўладиган бўлдида, энди.

Очиқ кўнгилли йигит билан хайр-маъзур қилиб жўнадик.

Уйга келгач аёлим дарҳол қўлимдан халтани олди. Олиб келган мева-чеваларимни саранжом-саришта қилишга тушди. Навбат гўштга келганда қоғозга ўралган гўштни кўздан кечира туриб сўради.

— Гўштни қаердан олдингиз отаси?

— Нима эди...

— Турган битгани суяк-ку.

Аёлим катта бўлак гўштни кўтарган эди остидаги иккита катта суякка кўзим тушиб ҳайрон бўлдим. Қассоб бола тушмагурей, мени гапга солиб бу ёғини боплаб қўйибди-да. Аёлимга сир бермаслик учун тўнғилладим.

— Гўшт суяксиз бўлмайди-да хотин.

Шундай дейишга дедиму, лекин қассоб боланинг қилмишидан, кўзбўямачилигидан астойдил ранжидим. Ҳарқалай одамда инсоф бўлгани яхшида, биродарлар. Ахир «инсоф сари барака», деган сўз бежиз айтилмаганку.

## ДАРАХТДА ҲАМ ЖОН БОР

Автобусда бораётиб ўриндиқ орқасига пичоқ билан ўйиб ёзилган битикка кўзимиз тушди. Унда: «Хилола ва Ўктамжон», унинг тагида эса «Сени жондан ортиқ севаман», деган сўзларни ўқиш мумкин эди.

— Тавба, — дейди ёнимда ўтирган кекса йўловчи, — ҳозирги ёшлар хўб ажойибда, ҳатто севгисини кўз-кўз қилишдан ҳам уялишмайди. Биз ўспиринлик чоғимизда бирон-бир қизни кўз остимизга олсак унинг номини ҳам тилга олишдан иймanardик. Худди дил тубига чўккан сиримиз ошкор бўлиб қоладигандек эди.

— Юрак сирларини ота-онасидан ҳам пинҳон тутадиган, андишали, ориятли ёшлар ҳозир ҳам кўп. Бундай ножоиз шарм-ҳаёсиз сўзлар ўз қадрини билмайдиган сохта муҳаббат шайдоларидан чиқади. Улар шунақа ёзувлар билан нафақат ўзини, балки ўзгани ҳам эл олдида шарманда қилаётганларини хаёлларига келтиришмайди, — дейман мен.

— Бу масаланинг бир томони, дея суҳбатга қўшилди олдинги ўриндиқда ўтирган киши.— Яна бир томони шундаки, бу андишасизлар шу қилмишлари билан жамоат мол-мулкига қанчалик зиён-захмат етказаётганини айтмайсизми? Юриб, ўзи учун хизмат қилиб турган автобуснинг ўриндиғини шунақа бемаъно ёзувлар билан кесиб-ўйиб ишдан чиқараётган бу ноинсофларга тоқат қилиб бўладими?

Гап қизиган пайтда тушадиган жойимиз яқинлашиб транспортни тарк этдик.

Сўлим оромгоҳ оралаб бораётиб баҳайбат чинорларга суқланиб боқамиз. Улар орасида юз йил ва ундан ортиқ умр кўрганлари ҳам бор. Кишин-ёзин атрофга файз бағишлаб турган бу дарахтларнинг орасида ҳам таналари қандайдир ёзувлар билан тўлдирилганлари борлиги кишининг ғашини келтиради. Ҳатто бу битикларнинг баъзиларини ўқишга ҳам уяласан киши.

Бу майдондан бир кунда қанча-қанча одамлар ўтади. Уларнинг ҳаммаси ҳам ушбу ёзувларни кўриб, ўқиб, унинг ижодкорларига раҳмат демаса керак.

Кўпни кўрган қариялар «дарахтда ҳам жон бор, унга озор берма» дейишади. Қолаверса, аввало ўзини ўзи қадрлаган, севгисини авайлаган, бошқаларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган одам бундай ноқобил ишларга қўл урмайди.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Золимда уч аломат бор: қўл остидагиларни ранжитади, уларни ҳурматламайди, ўзгалар ҳақини ноҳақ ейишдан қўрқмайди.

● Ҳасадчида уч аломат бор: сенинг ҳузурингда хушомадгўйлик қилади, йўқлигингда ғийбатингни қилади, агар бирор кишига мусибат ё бир ғам етса шодланади.

● Бадбахтда уч аломат бор: ҳаром луқма ейди, уламолар суҳбатидан қочади, ҳушига келганида ибодат қилади.

● Манманлик — қусур, камтарлик — ҳусн.

● Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

ҲИКОЯТ. Искандар Зулқарнайн ўзига яқин кишилардан бирига кўнглига яшириб юрган бир сирини айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмасликни қайта-қайта таъкидлаган эди. Лекин у Искандарнинг шартини узоқ сақлай олмай, ичи пишиб бир дўстига айтди. Дўсти бир кишига, у яна бир кишига айтди. Шундай қилиб сир ҳаммага ошкор бўлди.

Сирнинг ошкор бўлганидан ортиқ даражада ғазабланган Искандар устози Арастуга:

— Э, ҳаким, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сиримни айтган эдим, у киши сиримни сақлай олмай ошкор қилган. Мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — дейди.

Арасту ҳаким айтди:

— У кишига жазо беришга ҳақинг йўқ. Ўзинг айбдорсан, сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг тошиб кетиб, бировга ошкор қилгансан. Ўзинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай сақлай олсин, — деди.

Байт:

**Чун ўзинг сирингга**
**маҳрам бўлмадинг,**
**Ўзгалар гар асрамас йўқ**
**бир ажаб.**

● Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

● Ҳалол яшаганингни сезиб юрсанг, ҳаёт нашъали ва ширин туюлади.

● Бир умрга бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.

● Ўзини тия билган ҳалол одам олғир, учарларнинг бутун найрангларини яққол кўриб туради.

Байт:

**Сахий дема саховатига,**
**Бирор талаб қўйса**
**гар одам.**
**Сахийликмас бу очкўз,**
**бахиллик,**
**Бунда йўқдур шараф**
**ва карам.**

*Муҳаббат боқий*

# ДАҲО ШОИРНИ МАФТУН ЭТГАН МАЛАК

**Инсоният тарихида ўзининг бемисл ақлу-заковати ва нодир истеъдоди боис, умр йўлларида нурли излар қолдирган аллома шахслар анчагина. Азим дарёлар, мафтункор тоғликлардан баҳра олганидек, уларнинг аксарияти ҳам чин инсонийликка хос ишқ-муҳаббат дардидан бебаҳра яшай олган эмас. Эҳтимол, Беатрича Уйғониш даврининг даҳо сўз меъмори Алигери Данте қалбини шу даражада мафтун этмаганида, бири-биридан жўшқин, илҳомбахш сатрлар, «Илоҳий комедия»дек бебаҳо асар дунё юзини кўрмасмиди?! Ёки Шарлоттадек соҳибжамол малак сиймо қиз Гёте қалбига ўт ёқмаганида: «Ёш Вертернинг изтироблари» жаҳон адабиёти хазинасини безаб турмасмиди?**

Дарвоқе, суҳбатимиз олмон халқининг буюк шоири — Иоганн Гёте ҳақида. Яна тўғрироғи, унинг қалбида бир умрлик ўчмас из қолдирган, илҳомбахш маҳбубалар хусусида.

Унинг номини эшитмаган, «Фауст»дек улкан шеърий асарини бирров варақлаб кўрмаган кишини учратиш қийин, албатта. Гёте ўзига тўқ хонадонда тарбия топди. Отасининг нодир китоблар билан тўлатилган бой кутубхонасидан баҳраманд бўлиб ўсди. Шу йиллардаёқ, унинг фавқулодда истеъдоди намоён бўла бошлаганди. Бўлажак буюк шоир, ўн бешга тўлар-тўлмас турли мавзуларда қалам тебрата бошлади. Унинг аксарият шеърларида, бекиёс гўзалликни ўзида мужассам этган — фариштасифат қиз ҳақидаги бадиий қочириқлар юзага қалқий бошлаганди. Ўн олти ёшида Лейпциг дорилфунунига ўқишга кирган шоир, кўп ўтмай, «Ёш Вертернинг изтироблари» романини ёзишга тутинади. Гарчи асар фожиавий алфозда якун топса-да, унга Гётега хос севги-муҳаббат муҳри босилганди. Асар қаҳрамони — Вертер гўзал бир қизни севиб қолади. Унинг бошқасига унаштирилганига парво қилмай, ишқ йўлининг аламли сўқмоқларида тентирайди. Алал-оқибат, ундаги ҳоҳиш ва истаклар сўниб, сомондек сарғаяди. Ғамгузор дунёнинг ситамларига дош бера олмаган ошиқ йигит ўзига қасди жон қилишдан бошқа чора тополмайди.

Энди айнан шундай бадиият дурдонасини дунёга келтирган даҳо шоир — Гёте қалбини ром этган муҳаббат борасида тўхталсак. Дарҳақиқат, у севарди. Малласоч, мовий кўзли Шарлотта унинг учун тенгсиз фаришта, қалбининг энг мунис, суюкли маъбудаси эди. Гарчи шоирнинг Шарлоттага меҳри ўзгача бўлсада, унинг синглиси Еленага ҳам бефарқ эмасди: «Суратига қараганда Елена жуда гўзал, опаси Шарлоттадан кўра ҳам ёқимлироқ... Мен эса меҳрга ташнаман...» деб ёзган эди, у хотираларида.

Эҳтимол, муҳтарам газетхон шоирнинг бундай иқрорини «куракда турмайдиган» гап сифатида баҳолаши ҳам, табиий. Балки, унда жиндек бевафолик, оний эҳтирослар оғушига берилиш кайфияти устунлик қилар! Нима бўлганда ҳам Гёте гўзаллик туйғуларининг ошуфтаси эди. Яна тўғрироғи, унинг сийратини ва сувратини мафтункор рангинлик билан йўғрилганди.

Шарлотта шоирни ички бир туйғу билан севарди. Аммо, ундаги ҳаддан ташқари серзардалик, боз устига киборлик Гётени бездириб қўйганди. Баъзан эса шоирнинг инжиқ феъли (ижодкорларга хос хусусият) уни жонидан тўйдириб юборар, бу кескин вазият эр-хотин ўртасидаги муҳаббат риштапарининг узилиб кетишига сабаб бўлаётганди.

Гёте бутун умри давомида ёзган барча асарларида (жумладан, «Фауст»да ҳам) руҳан, маънан баркамол илҳом париларини — маҳбубаларини тасвирлашдан чарчамади. Аммо бу ҳам шоирдаги гўзалликка, муҳаббатга бўлган ички бир чанқоқликни қондира олмади. Гётенинг Уерикага бўлган муҳаббати кундан-кунга алангаланаётган бўлса-да, шоирнинг яқинлари томонидан у «кераксиз матоҳ»га айлантирилади. Қадри топталган Уерика Гётедан юз ўгиради. Аммо, шоирнинг меҳрга, бокира ҳисларга тўлиб-тошган, оташ қалби янги-янги «илҳом парилари»га мойил эди. Натижада, шоир мафтункор гўзаллик соҳибаси Марианна Юнг билан топишади. Муҳаббат осмонининг узоқ гўшаларидан таралаётган висол шуъласи, Гётени илҳомлантирган бўлса-да, аммо у бироз ўтгач яна сўнади.

Гёте умрининг охиригача қалбини забт этган, мафтункор маҳбубаларидан ҳеч қачон кўнгил уза олмади. Фақат, қалбининг олис манзилларида куртак отган гўзал сийратли малакларни — бетакрор асарларидагина яратди. Шу боисдан ҳам унинг сатрларида муҳаббатнинг тотли ифори, бекиёс севги эҳтиросларининг мафтункор жилваси ўз қудратини намойиш қилади...

**Ҳумоюн АЛИЕВ**

*Бўш вақтингизда*

# «ИҚТИСОД»

## БОШҚОТИРМАСИ




Жавоблар, занжир ҳолида ёзилади.

1. Пул бирлиги. 2. Шахс, ташкилот ихтиёридаги ер, сув ва бошқа бойлик. 3. Пул билан иш юритувчи молия муассасаси. 4. Бирор иш эвазига аввалдан бериладиган маблағ. 5. Даромаддан давлат ҳисобига ундириладиган тўлов. 6. Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарф бўлган ва шу маҳсулотда моддийлашган меҳнат миқдори. 7. Кўрсатилган хизмат учун тўланадиган ҳақ. 8. Харажатга нисбатан ортиқча бўлган маблағ. 9. Қимматбаҳо қоғоз тури. 10. Йилнинг маълум даврида ўтказиладиган оммавий бозор. 11. Маҳсулотни энг юқори нархда сотиш савдоси. 12. Баҳосини шу заҳоти тўлаш билан амалга ошувчи савдо. 13. Банк ва ташкилотларга жойлаштирилган пул ва қимматбаҳо қоғозлар. 14. Савдо-сотиқ билан шуғулланиш фаолияти. 15. Соҳадош корхоналар бирлашмаси. 16. Сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. 17. Мулк, ер ва капиталдан олинадиган доимий даромад. 18. Айрим товарга солинадиган қўшимча солиқ. 19. Даромаднинг акси. 20. Юқори фойда олиш мақсадида соҳадошлар ўртасидаги ўзаро кураш. 21. Келтирилган зарар учун тўланадиган ёки ундириладиган маблағ. 22. Маълум бир мамлакатнинг пул бирлиги. 23. Бухгалтерлик ҳисоб-китоб ишларининг белгиланган муддатда ўтказилиши.

**Муаммонома**

Жавоблар асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан иқтисодиётга оид икки атама аён бўлади.

5-4; 4-4; 22-1; 15-5; 1-1; 7-1; 9-4; 11-4; 6-2; 10-1.
2-1; 13-2; 12-1; 15-5; 23-2; 6-4; 17-2; 11-7; 16-1.

Ушбу сўзлар қандай маънони англатади?

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

### ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 1 АВГУСТ СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига:** 1. Раҳимов. 2. Беҳбудий. 3. Восиқова. 4. Қаҳрамон. 5. Қодирий. 6. Икромов. 7. Турдиев. 8. Эсдалик. 9. «Жасорат». 10. Жалилов. 11. Садоқат. 12. Ғофуров. 13. Таваллo. 14. Зокиров. 15. Хоразмий. 16. Хондамир. 17. Шайхзода. 18. Ҳамроев.

**Муаммонома**

**Очкич сўзлар:** 1. Билим. 2. Қаноат. 3. Ҳур. 4. Хат. 5. Гул.

**Ҳикмат:** Хотира қалбга битилган муҳр.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-707. Топширилди 12.15 1 3456